

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВ ХУДАЙБЕРДИ КУЙДИМУРАТОВИЧ**

**МАККАЖЎХОРИНИНГ ЯНГИ ТЕЗПИШАР, ҲОСИЛДОР НАВ ВА  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Назаров Худайберди Куйдимуратович**

Маккажўхорининг янги тезпишар,  
ҳосилдор нав ва дурагайларини яратиш  
ҳамда бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш..... 3

**Назаров Худайберди Куйдимуратович**

Создание новых скороспелых, урожайных  
сортов и гибридов кукурузы, разработка  
приемов их первичного семеноводства..... 29

**Nazarov Khudayberdi Kuydimuratovich**

Creation of new precocious, high-yielding  
varieties and hybrids of corn, development  
of methods of their primary seed production..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 60

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВ ХУДАЙБЕРДИ КУЙДИМУРАТОВИЧ**

**МАККАЖЎХОРИНИНГ ЯНГИ ТЕЗПИШАР, ҲОСИЛДОР НАВ ВА  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Qx61 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Рашидова Дилбар Каримовна**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Аликулов Сафар Менглиқулович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Бобоев Сайфулла Гафурович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти**


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 27 декабр соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [пахтауз@mail.ru](mailto:пахтауз@mail.ru); Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (№ 1311 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел.: (+99897)746-47-60.

Диссертация автореферати 2024 йил «14» 12 да таркатилди.  
(2024 йил «    »      даги      рақамли реестр баённомаси).



  
**Ш.Э.Намазов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., академик

  
**М.Б.Халикова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор

  
**С. Раҳмонқулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда маккажўхори кенг тарқалган донли экинлардан бири ҳисобланиб, ем-хашак, озиқ-овқат ва техникавий мақсадларда етиштирилади. БМТ халқаро ташкилотининг маълумотиغا кўра, “жаҳонда умумий дон етиштириш 2 млрд. 450 минг тонна атрофида бўлиб, шундан 2 млрд. 194 минг тоннаси донли экинлар, жумладан маккажўхори улушига тўғри келади”<sup>1</sup>. Унинг дони таркибида 65-70% углеводлар, 9-12% оксил, 4-8% ёғ, минерал тузлар ва витаминлар мавжуд бўлиб, майдони ва ҳосилдорлиги бўйича АҚШ биринчи, Хитой иккинчи ва Бразилия учинчи ўринда туради. Маккажўхори (*Zea mays* L.) дунёнинг кўп жойларида асосий озиқ-овқат манбаи бўлиб қолмоқда. Жаҳон миқёсида 116 миллион тонна маккажўхори озиқ-овқат сифатида ишлатилади. Шунингдек, маккажўхори фармацевтика, қоғоз, тоғ-кон саноати ва қурилиш саноати учун крахмалнинг манбаи сифатида ҳам фойдаланилаётганлиги сабабли, бу экин бўйича илмий тадқиқотларни жадаллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда маккажўхори селекцияси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли истиқболли нав ва дурагайларни яратиш ҳамда уруғчилик тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда турли стресс омилларга жумладан, қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли маккажўхори навларини яратиш ва амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё ҳамда чорвачилик ва паррандачиликни тўйимли озуқа билан таъминлашда маккажўхори ўсимлигининг маҳсулдор навларини яратиш бўйича селекционер олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва қатор маҳаллий навлар яратилган. Шу билан бирга, республикамизда маккажўхори билан банд бўлган майдонларнинг асосий қисмига хориждан олинган уруғликлар экилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш<sup>2</sup>, вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда бошқа йўналишлар қатори маккажўхори экинида чатиштириш услубини қўллаган ҳолда янги, маҳаллий дурагай ва навларни яратиш ҳамда навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

<sup>1</sup>Wheat genomics: present status and future prospects. Int. J. Plant Genomics, 2008; Article ID 896451.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ 60-сон Фармони

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги ЎЗРҚ-521-сонли “Уруғчилик тўғрисида”ги, 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонуни, 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3683-сон, “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сонли қарори ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Дунёда маккажўхори селекциясида, жумладан тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли истиқболли нав ва дурагайларни яратишда ҳамда уруғчилик тизимини такомиллаш-тиришда самарали инновацион технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, муассалари ҳамда олий ўқув юртларида, жумладан: АҚШ (United State Agricultural Department, Agricultural Reasearch Service, Shouthern Plains Agricultural Reasearch Center, Айова университети), Австралия CIMMYT (International Maize and Wheat Improve-ment Center), Хитой (Chinaes Academy of Agricultural Sciences, LongPing High-tech Agriculture Co., Ltd. “LPHT”), Покистон (Maize and Millets Reasearch Institute), Сербия (Маккажўхори институти), Украина (Маккажўхори илмий-тадқиқот институти), Молдавия (Маккажўхори ва жўхори илмий-тадқиқот институти), Югославия, Венгрия, Болгария, Чехия, Словакия илмий-тадқиқот институтлари, Россия (ВНИИР, Лукьяненко номидаги Краснодар илмий-тадқиқот институти), Қозоғистон (Дехқончилик илмий-тадқиқот институти) ҳамда АҚШ (“Pioneer”, “De Calb”, “Garst), Буюк Британия (“ICI”), Германия (“KWS”, “Saaten union”), Францияда (“Limagreen”, “Coop de Po”, “Maysadur”), Сербия (Новый Сад, Земен Поле), Венгрия (Bazishmak) каби дунёнинг машҳур маккажўхори уруғчилик фирмаларида, шунингдек республикамизда Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ҳамда Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш станциясида олиб борилмоқда. Шунингдек, маккажўхорининг эртапишар нав ва дурагайларини яратиш бўйича Украина маккажўхоричилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўсимликшунослик, генетика ва селекция илмий-тадқиқот институтларида ҳам кенг қамровли селекция ишлари олиб борилган.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида маккажўхорининг

тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунадаларга ҳамда ноқулай иқлим шароитларга чидамли янги нав ва дурагайлари яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари жадал давом эттирилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Хорижий етакчи илмий марказларида маккажўхори селекциясида тизмалараро, дурагайлара ва навлараро чатиштиришлар асосида янги нав ва дурагайлари яратиш ишлари кўп олимлар, жумладан, Р.А.Rudger, Johnson, Komprath, Pucaric, Enein, J.Gotlin, Semilari, R.B.Navais, M.Bazanovic, M.Derieux, В.И.Бокан, В.Обшерт, Е.Г.Тереньтев, О.М.Шалыгина, А.Ф.Стулин, Б.П.Гурьев, Т.Н.Камышан, М.В.Чумак, Т.С.Чалык, Е.Кульбацкая, В.Казанков, П.Ф.Ключко, Ю.М.Пащенко, В.Чунту, И.Цолов, В.А.Фитьяков, Ю.В.Будённый, А.А.Ничипорович ва Г.Е.Шмараевлар томонидан амалга оширилган.

Республикамизда мавжуд маккажўхорининг коллекциявий намуналарини ўрганиш ҳамда маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги бўйича З.У.Умаров, У.М.Исакулов, С.Маманиёзов, Б.Бобокулов, С.Ахмедова, К.Тўракулов, З.Халикулов, А.Худайкулов, Т.Осербаева, Т.Рашидов, Ю.Шарипов, И.Кимсанов, С.Абдусаматов, М.Қосимов, И.В.Массино ва А.И.Массино каби олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Бу изланишлар натижасида, маккажўхори селекциясида дурагайлар, синтетик навлар ва популяциялардан фойдаланиш эртапишар, совуқ ва қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунадаларга бардошли ҳосилдор навларни яратишга имкон бериши исботлаган.

Бирок, ҳозирга қадар маккажўхорининг географик узоқ намуналари билан маҳаллий навларини дурагайлаш, тезпишар, махсулдор, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган янги дурагай ва навларни яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини такомиллаштиришнинг илмий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киради ва 2012-2013 йилларда бажарилган ҚХИ-11-242 “Маккажўхори селекцияси ва бирламчи уруғчилиги”,

2014-2015 йилларда бажарилган ҚХА-8-106 “Қурғоқчиликка ва шўрга чидамли маккажўхори, жўхори, африка қўноғи навларини дон ҳамда яшил массаси учун селекцияда бошланғич манба яратиш”, ҚХА-8-095-2015 “Маккажўхори дурагайлари ва жўхори навларининг бирламчи уруғчилиги”, 2018-2019 йилларда бажарилган ҚХ-И-ҚХ-2018-31 “Сирдарё вилояти шароитида маккажўхори ва жўхори навларининг бирламчи уруғчилиги ташкил этиш” мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маккажўхорининг географик узоқ нав ва намуналарини ўзаро дурагайлаш асосида маҳаллий янги нав намуналарини

олиш, тезпишар, маҳсулдор, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган янги навларни яратиш, маккажўхорининг морфо-хўжалик белгиларига биологик фаол препаратларнинг таъсирини аниқлаш ҳамда навларнинг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маккажўхори коллекциясидаги намуналарнинг морфо-биологик кўрсаткичларини аниқлаш;

маккажўхорининг ҳорижий намуналаридан тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган намуналарини танлаш ва маҳаллий навлар билан чатиштириш;

F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларида қимматли-хўжалик белгиларининг гибридиологик таҳлили;

дон ва яшил масса ҳосилдорлиги бўйича гетерозис самарадорлигига эга F<sub>1</sub> дурагайлари аниқлаш ва гетерозис селекциясига тавсия этиш;

F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш;

F<sub>3</sub> дурагай авлодида қимматли-хўжалик белгиларини таҳлил қилиш ва қимматли-хўжалик белгиларининг боғлиқлик даражасини аниқлаш;

маккажўхорининг қимматли-хўжалик белгиларининг мажмуига эга янги тизма ва навларини андоза навларга нисбатан таҳлил қилиш;

маккажўхори навининг морфо-хўжалик белгиларига биологик фаол препаратларнинг таъсирини аниқлаш;

маккажўхори навларининг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

маккажўхорининг янги яратилган истиқболли навларининг иқтисодий самарадорлигининг таҳлили.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган маккажўхорининг маҳаллий истиқболли Ўзбекистон 601 ЕСВ, Ўзбекистон 100, Gwangpengaok (Жанубий Корея), МЖ 600 (Россия), LG-3364, LG-3475 (Франция), NS -601 (Сербия), ВС 6661 (Россия) нав ва дурагайлари ҳамда ЎЗР Давлат Кимё комиссияси рўйхатидан ўтган УЗХИТАН, Гумми 20, Галактанан, GB-1(X) ва GB-2(Ф) биологик фаол препаратларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** маккажўхори коллекциясидан тезпишар, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга хорижий намуналарни танлаш ва маҳаллий навлар билан чатиштириш, дурагайларда морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш асосида тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган дурагай ва навларини яратиш, маккажўхорининг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш тадқиқотлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатувлар умумқабул қилинган “Методика полевых опытов с кукурузой” (Днепропетровск, 1984) услубий қўлланмаси

асосида олиб борилди. Уруғликнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда O'zDSt 2823:2014 “Семена с/х культур, методы определения всхожести” қўлланмасидан фойдаланилди. Селекцион тадқиқотлар “Методика селекционных экспериментов с кукурузой” (И.В.Савченко, 2012) бўйича олиб борилди. Касалликлар “Основные методы фитопатологических исследований” (Москва, 1974) бўйича аниқланди. Олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) ва замонавий ANOVA (Analysis variance) дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маккажўхори коллекциясидаги маҳаллий ва хориждан келтирилган тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган 21 та нав намуналари ўрганилган;

ирсий жиҳатдан фарқ қилувчи маҳаллий ва хорижий нав-намуналар иштирокида  $F_1$  дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш қобилияти аниқланган;

илк бор маккажўхори коллекциясидан ажратиб олинган дон учун (BC 6661 x MJ 600) ва яшил масса учун (Ўзбекистон 100 x Ўзбекистон 601 ECB) ота-оналик шаклларида ижобий натижаларни намоён қилган дурагай комбинациялар ажратиб олинган;

хориждан келтирилган маккажўхори нав ва намуналари билан маҳаллий навларни дурагайлаш орқали янги тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган навлар яратилган;

янги яратилган, дон ҳосилдорлиги юқори бўлган маккажўхорининг Келажак-100 ва яшил масса учун Эсдалик-80 навлари истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган;

маккажўхори уруғига экишдан олдин ишлов берилганда, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги ҳамда уруғлик сифатига УЗХИТАН препаратининг ижобий таъсири аниқланган;

маккажўхорининг суперэлита, элита уруғларини етиштиришда бирламчи уруғчиликнинг янги тизими илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тур ичида дурагайлаш асосида маккажўхорининг хўжалик учун қимматли белгиларининг юқори мажмуасига эга бўлган янги истиқболли дон учун Келажак 100 ҳамда силос учун яшил масса ҳосилдорлиги юқори Эсдалик-80 навлари яратилган;

маккажўхорининг Келажак 100 нави асосан дон учун Тошкент ва Бухоро вилоятларида ҳамда Эсдалик 80 нави дон ва яшил масса учун Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 2022 йилдан бошлаб экиш учун истиқболли навлар сифатида рўйхатдан ўтган;

УЗХИТАН биологик фаол препарати билан маккажўхори уруғларига ишлов берилиши натижасида, маккажўхорининг дон ҳосили 10,6-12,2 ц/га, яшил масса ҳосили 5,2-5,4 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган;

маккажўхорини етиштириш жараёни якунида сифатли уруғликларни ўртача 1 килограммини 10000 минг сўмдан, яшил поясининг 1 тоннасини

300000 сўмдан силос учун яшил массага топширилганда 1 гектар майдондан уруғлик (дон ва яшил масса) ҳосилдорлигидан истиқболли Келажак 100 навида 31,31-36,31 млн сўм ва истиқболли Эсдалик 80 навида 34,48-36,48 млн сўм/га қўшимча даромад олиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг мувофиқлиги, дала тажрибаларининг ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги ва илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама қилинганлиги, олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижалар Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** Тадқиқотларда илмий аҳамияти маҳаллий ва четдан келтирилган нав намуналарни ўзаро чатиштириш асосида яратилган F<sub>1</sub> дурагайларида асосий қимматли хўжалик белги ва хусусиятларнинг ижобий ва салбий оралиқ ҳамда гетерозис тарзида ирсийланиши, F<sub>2</sub> авлоддан бошлаб кенг ўзгарувчанлик юз бериши, F<sub>3</sub> авлодда F<sub>2</sub> дурагайларига нисбатан қимматли хўжалик белгиларининг яхшиланиши, F<sub>4</sub> авлодда дон чиқиши ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган тизмалар даражасида ажралиб чиқишининг янги навлар яратилишига олб келганлиги илмий асосланган. Маккажўхорининг узоқ эколого-географик нав намуналарини ўзаро чатиштириш, маккажўхори генофондини ҳар хил турлари, нав ва дурагай намуналарининг умумий ва махсус комбинацион қобилиятлари тизмаларда дон ва яшил масса ҳосилдорлигини 30-50% га ошириш мумкинлиги ҳамда оддий дурагайлаш, чатиштириш орқали янги тезпишар дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, қимматли хўжалик белгиларига эга маккажўхори навлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, танлаб олинган коллекция нав намуналарини маҳаллий навлар билан чатиштириш асосида дон йўналиши учун (Т-3, Т-7, Т-17, Т-21) ҳамда яшил масса учун (Т-3, Т-10, Т-18) тизмалари ажратиб олиниб, келгусида селекция ишларида бошланғич манба сифатида фойдаланишга тавсия этилганлиги, янги истиқболли дон ҳосилдорлиги юқори Келажак 100 ҳамда яшил масса ҳосилдорлиги юқори Эсдалик 80 навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, ушбу навларнинг бирламчи уруғчилиги такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маккажўхорининг янги тезпишар ҳосилдор нав ва дурагайларини яратиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган маккажўхорининг янги истиқболли Келажак-100 ҳамда Эсдалик 80 навлари яратилган ҳамда уларга патент (NAP 00371, NAP 00372) олинган (Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 ноябрдаги № 05/05-04/581 сонли маълумотномаси). Натижада, маккажўхори генофонди эртапишар, ҳосилдор манбалар билан бойитилган;

маккажўхорининг дон учун янги яратилган истиқболли Келажак 100 нави 2019-2021 йиллар давомида Сирдарё вилояти Ховос тумани “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА” маъсулияти чекланган жамияти хўжалигида жами 25,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 ноябрдаги № 05/05-04/581 сонли маълумотномаси). Натижада, янги нав андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайига (60,1-80,4 ц/га) нисбатан 6-7 кунга эрта пишиб, 18,0-20,0 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган;

маккажўхорининг дон учун янги истиқболли Келажак 100 нави Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Оксув фермер хўжалигида 2019-2021 йиллар давомида 7,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 ноябрдаги № 05/05-04/581 сонли маълумотномаси). Натижада, Келажак 100 нави андозага нисбатан 3-5 кунга тезпишар бўлиб, 18,0-24,0 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган.

маккажўхорининг яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган янги, истиқболли Эсдалик 80 нави 2019-2021 йиллар давомида Сирдарё вилояти Ховос тумани “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА” маъсулияти чекланган жамияти хўжалигида жами 18,0 гектар майдонга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 ноябрдаги № 05/05-04/581 сонли маълумотномаси). Натижада, янги навнинг яшил масса ҳосилдорлиги андоза Ўзбекистон-100 навига (680,0-740,0 ц/га) нисбатан 50,0–55,0 ц/га юқори ва ўрим даврининг 8-12 кунга қисқа бўлишига эришилган;

маккажўхорининг яшил масса ҳосилдорлиги юқори истиқболли Эсдалик 80 нави Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Оксув фермер хўжалигида 2019-2021 йиллар давомида 7,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 11 ноябрдаги № 05/05-04/581 сонли маълумотномаси). Натижада, Эсдалик 80 навининг ўрим даври, андоза Ўзбекистон-100 навига нисбатан 5-7 кунга қисқа бўлиб, яшил масса ҳосилдорлиги 53,0-58,0 ц/га юқори бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, 2 та патент олинган.

Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети келтирилган. Шунингдек, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, адабиётлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Маккажўхорининг янги тезпишар, ҳосилдор нав ва дурагайлари яратиш ҳамда уруғлик сифат кўрсаткичларига биологик фаол препаратларнинг таъсири»** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи батафсил баён этилган бўлиб, маккажўхори селекциясида тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, касалликларга чидамли бўлган истиқболли, янги навларни яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Маккажўхори селекцияси йўналишлари, морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг эколо-географик жихатдан узоқ жойлашган ҳар хил бошланғич манбалар асосида селекция жараёнида илмий асосланган илғор усуллари адабиётлар шарҳида келтирилиб ўтилган. Мавзуга оид дунёда ва республикада бажарилаётган илмий ишлар ҳамда уларнинг аҳамияти тўғрисида хулосалар баён этилган.

**Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган жойнинг тупроқ шароитлари ва агрокимёвий ҳолати, об-ҳаво шароитлари, тадқиқот услуби ва тажриба ўтказиш тизими, ўрганилган маҳаллий ва четдан келтирилган маккажўхори навларининг тавсифлари ҳамда тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация бўйича тадқиқотлар Тошкент вилояти Зангиота тумани Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 2010-2018 йилларда, Сирдарё вилояти Ховос тумани “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА” ҳамда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Оқсув” фермер хўжаликларида 2019-2021 йиллар мобайнида олиб борилган.


**Диссертациянинг «Маккажўхорининг маҳаллий коллекциясидаги нав ва намуналарнинг морфобиологик белгиларини аниқлаш ва**

**бошланғич ашёларни танлаб олиш»** деб номланган учинчи бобида 2010-2012 йиллар мобайнида маккажўхори коллекция кўчатзорида мавжуд маҳаллий ва четдан интродукция қилинган нав намуналарнинг ўсув даври давомийлиги бўйича бошланғич намуналарни ажратиш, хўжалик учун қимматли бўлган морфобиологик белгилари ҳамда хўжалик белгилари бўйича танлаш ишлари олиб борилган.

Тадқиқотларда турли пишиш даври бўйича маҳаллий Ўзбекистон 601 ЕСВ, Ўзбекистон 100 навлари, MJ 600 намунаси ҳамда географик узоқ намуналар ажратилиб чатиштириш ишларига жалб қилинган. Шунингдек, маккажўхори ўсимлигида ўсимликларнинг бўйи, биринчи сўтанинг жойлашиш баландлиги, битта ўсимликда шаклланган барглар ва рўваклар сони бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган 2 та маҳаллий нав, 5 та географик узоқ намуналардан ҳамда 1 та маҳаллий намуналар ушбу ўрганилган белгилар таҳлилларига асосан чатиштириш мақсадида ажратиб олинган. Тадқиқотларда 2 та маҳаллий нав ҳамда географик узоқ намуналардан умумий яшил масса ҳосилдорлиги бўйича 60,0 т/га дан, сўта чиқими белгиси бўйича 11,0 т/га дан ҳамда соф поя ҳосилдорлиги бўйича 40,0 т/га дан юқори бўлган намуналарда чатиштириш ишларини олиб бориш мақсадида бошланғич манба сифатида танлаб олинган.


**Диссертациянинг «Маккажўхорининг географик узоқ нав ва намуналари иштирокида олинган F<sub>1</sub> – F<sub>5</sub> авлодларида асосий қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги»** деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган тезпишарлик, ўсимлик баландлиги, бир сўтанинг жойлашиш баландлиги, барглар сони, узунлиги, эни ҳамда дон ва яшил масса ҳосилдорлиги белгилари бўйича ота-она шаклларига нисбатан ирсийланиш даражаси турлича бўлганлиги, лекин ижобий ҳолда ирсийланган дурагайлар нисбатан кўп бўлганлиги аниқланди. Маккажўхорининг географик узоқ шакллар ва маҳаллий навлар билан чатиштириш натижасида олинган F<sub>2</sub> дурагайлар ва ота-она шакллариининг барглар сони белгиси бўйича вариацион таҳлиллари асосида вариацион қаторнинг чап томонида, яъни 14 донагача бўлган ўсимликлар чикитга чиқарилди. Ушбу белги бўйича нисбатан ижобий бўлган, яъни барглар сони 15 дона ва ундан юқори бўлган ўсимликлар ажратиб олинган.

F<sub>1</sub> дурагай авлодларда тезпишарлик белгиси бўйича олинган натижаларига кўра тўлиқ пишиш куни навларда 107 кундан 137 кунгача, F<sub>1</sub> дурагайларда эса 103 кундан 135 кунгача давом этиб, энг қисқа ўсув даври F<sub>1</sub> (♀MJ 600 х ♂ LG 3364) бўлган бўлса, энг узоқ ўсув даври F<sub>1</sub> (♀Ўзбекистон 100 х ♂ LG -3475) ҳамда F<sub>1</sub> (♀Ўзбекистон 601 ЕСВ х ♂Ўзбекистон 100) комбинацияларида кузатилди (1-расм).



1-расм. Маккажўхорининг ота-она шакллари ва F<sub>1</sub> дурагайларда ўсув даври белгисининг ўзгарувчанлиги (2013 й.)


Тадқиқотларда F<sub>3</sub> оилалари ва ота-она шаклларида дон ҳосилдорлигининг юқори бўлишини таъминловчи асосий белгилар битта сўта узунлиги, сўтанинг бир қаторидаги ва айланасидаги донлар сони, битта сўта вазни ҳамда битта ўсимликда шаклланадиган ва битта сўта узунлиги орасидаги боғлиқлик ота-она шакллари ва F<sub>3</sub> оилаларида кучсиз ижобий даражада эканлиги, яъни ота-она шаклларида корреляция коэффицентини (r) кўрсаткичи 0,04-0,08, F<sub>3</sub> оилаларида эса 0,03-0,07 ни ташкил қилиши аниқланди (2-расм). Бунда, ота-она шаклларида NS 601 ва LG 3475 намуналари ҳамда F<sub>3</sub> (BC 6661 x MJ 600) ва F<sub>3</sub> (Ўзбекистон 100 x LG 3475) комбинацияларида бу белгилар ўртасидаги боғлиқликлар нисбатан юқори бўлди. Дон ҳосилдорлиги сўтанинг бир қаторидаги донлар сони ва битта сўта айланасидаги донлар сони билан корреляцияси тадқиқотларда ўрганилган ота-она шакллари ва F<sub>3</sub> оилаларида кучсиз ижобий боғланганлиги қайд этилди.



2-расм. Маккажўхорининг географик узоқ бўлган нав ва намуналари иштирокида олинган F<sub>3</sub> оилаларида дон ҳосилининг бошқа қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқлиги (2016 й.)

Дон ҳосилдорлиги сўта оғирлиги билан кучсиз ижобий даражада боғланганлиги, битта ўсимликдаги сўталар сони билан эса корреляция кучсиз салбий ва ижобий эканлиги қайд этилди. Бунда кучсиз салбий боғлиқликлар ота-она шаклларида MJ 600 ва LG 3475 да ва F<sub>3</sub> (BC 6661 x MJ 600), F<sub>3</sub> (Ўзбекистон 100 x LG 3475) комбинацияларда намоён бўлди. Дон ҳосилдорлиги билан бошқа қимматли-хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликлар кучсиз даражада бўлганлиги аниқланди.


Шунингдек, F<sub>3</sub> оилаларида яшил масса ҳосилдорлигининг асосий белгилардан бўлган вегетация даври, ўсимлик баландлиги, битта ўсимликдаги барглрар сони, барг узунлиги ва битта ўсимликдаги сўталар сони билан коррелятив боғлиқлиги таҳлил қилинди (3-расм). Яшил масса ҳосилдорлиги билан вегетация даври ота-она шаклларида кучсиз ва ўрта салбий даражада боғланганлиги, бунда Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида (r=-0,18), LG 3475 намунасида (r=-0,36), F<sub>3</sub> оилаларидан F<sub>3</sub> (BC 6661 x MJ 600) комбинациясида (r=-0,13), F<sub>3</sub> (MJ 600 x BC 6661) ва F<sub>3</sub> (Ўзбекистон 100 x LG 3475) комбинацияларида (r=-0,21) эканлиги қайд этилди. Яшил масса ҳосилдорлигининг ўсимлик баландлиги билан корреляцияси ота-она шакллари ва F<sub>3</sub> оилаларида кучсиз ва ўрта ижобий даражада эканлиги қайд этилди. Бунда ота-она шаклларида BC 6661 намунасида r =0,24, LG 1475 намунасида r =0,41, F<sub>3</sub> (BC 6661 x MJ 600) комбинациясида r =0,19 ва F<sub>3</sub> (Ўзбекистон 100 x NS 601) комбинациясида r=0,35 ни ташкил этди. Яшил масса ҳосилдорлигининг битта ўсимликдаги барглрар сони, барг узунлиги ва битта ўсимликдаги сўталар сони билан корреляцияси ота-она шакллари ва F<sub>3</sub> оилаларида кучсиз ижобий даражада бўлди.



**3-расм. Маккажўхорининг географик узоқ бўлган нав ва намуналари иштирокида олинган F<sub>3</sub> оилаларида яшил масса ҳосилдорлигининг бошқа қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқлиги (2016 й.).**

Маккажўхорида дон ҳосилдорлиги юқори бўлишида сўта узунлиги ва айланаси, битта сўта узунлигидаги ва айланасидаги бир қатор донлар сони, 1000 та дон вазни, сўта оғирлиги, битта сўтадаги донлар сони ҳамда дон чиқиши каби асосий белгилар катта аҳамиятга эга. Тадқиқотларда ушбу белгилар бўйича T-3 F<sub>4</sub> (♀BC 6661 x ♂MJ 600) тизмаси оилаларида ижобий бўлганлиги аниқланди, бу эса дон ҳосилдорлигининг ортишига олиб келади.

Маккажўхорининг янги яратилаётган навларида яшил масса ҳосилдорлигининг юқори бўлишида ўсимликларнинг бўйи, бир ўсимликдаги барглар сони, барг узунлиги ҳамда яшил масса вазни каби белгилар катта аҳамиятга эга. Тадқиқотларда сўталар сони ва яшил масса ҳосилдорлиги белгилари бўйича таҳлил қилиниб, бунда Т-5 F<sub>4</sub> (♀Ўзбекистон 601 ЕСВ х ♂Ўзбекистон 100) тизмасининг аксарият оилаларида ушбу белгиларнинг ижобий бўлганлиги аниқланган.



**4-расм. Маккажўхорининг Т-3 тизмаси F<sub>4</sub> (♀ВС 6661 х ♂МЖ 600) оилаларининг 1000 та дон вазни, битта сўта оғирлиги, битта сўтадаги жами донлар сони ва битта сўтадан дон чиқиши белгилари натижалари (2018 й.).**

Маккажўхорининг Келажак 100 навини Республиканинг барча вилоятларида экишга ҳамда дон ҳосилдорлиги бўйича ўрганилган оилаларга ва андоза навига нисбатан ижобий бўлган Т-3, Т-7, Т-17, Т-21 тизмалар селекционерлар учун бошланғич ашё сифатида фойдаланишга тавсия этилди (1- жадвал).

**1- жадвал**

**Маккажўхорини дон ҳосилдорлиги ва асосий қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари (2018 й.)**

Т-3 тизмаси F <sub>4</sub> (♀ВС 6661 х ♂МЖ 600) оилалари	Вегетация даври, кун	Битта сўта узунлиги, см	Битта сўта айланаси, см	Битта сўта узунлигидаги бир қатор донлар сони, дона	Битта сўта айланасидаги бир қатор донлар сони, дона	1000 та дон вазни, г	Битта сўта оғирлиги, г	Битта сўтадаги жами донлар сони, дона	Битта сўта дан дон чиқиши, %
Т-3	118	28	4,6	44	18	432	428	850	84
Т-7	118	28	4,5	44	18	431	425	848	82
Келажак 100	117	29	4,6	44	18	442	429	852	87
Т-17	117	28	4,5	44	18	438	426	846	84
Т-21	119	29	4,6	44	18	436	420	851	86
Ўзбекистон 601 ЕСВ, андоза	124	26	4,1	42	16	354	372	761	73

Маккажўхорининг Эсдалик 80 нави Республиканинг барча вилоятларида экишга ҳамда яшил масса ҳосилдорлиги бўйича ўрганилган бошқа оилалар ва андоза навига нисбатан ижобий бўлган Т-3, Т-10, Т-18 тизмалари селекционерлар учун бошланғич ашё сифатида фойдаланишга тавсия этилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Маккажўхорини яшил масса ҳосилдорлиги ва асосий қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари (2018 й.)

Т-5 тизмаси F <sub>4</sub> (♀Ўз 601 ЕСВ х ♂Ўзбекистон 100) оилалари	Вегетация даври, кун	Ўсимлик бўйи, см	Бир ўсимликдаги барглр сони, дон	Барг узунлиги, см	Бир ўсимликдаги мажуд сўталар сони, дон	Бир ўсимликдаги яшил масса ҳосилдорлиги, г
Т-3	137	398	19	117	2,1	4250
Т-10	138	386	21	116	2,2	4240
Эсдалик 80	133	402	22	118	2,0	4312
Т-18	136	384	20	117	2,6	4264
Ўзбекистон 100 андоза	140	341	16	110	2,0	3748

Диссертациянинг «Маккажўхорининг янги яратилган, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган истиқболли навларининг лаборатория ва ишлаб чиқариш синовлари» деб номланган бешинчи бобида янги, истиқболли дон учун Келажак 100 ва яшил масса учун Эсдалик 80 навлари ишлаб чиқариш шароитида андоза навга нисбатан морфобиологик белгилари ва қимматли хўжалик хусусиятлари солиштириб ўрганилди.

Уч йиллик тажриба натижалари шуни кўрсатдики, Келажак 100 навида ўсимликни ўсув даври 117 кун давом этиб, андоза навига нисбатан 5 кун эрта пишиши кузатилди. Кузатишлар давомида, маккажўхоридан юқори яшил масса ҳосилдорлигига эришишни таъминловчи ўсимлик баландлиги, барглр сони ва ҳажми бўйича ҳам тафовут таҳлил қилинди. Ўсимлик баландлиги андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайига нисбатан 29 см калта бўлиши, ўз навбатида биринчи сўтанинг жойлашишида ҳам нисбатан 3 см паст бўлишига таъсир қилди. Ўсимликда шаклланган барглр сони, барг узунлиги ва эни бўйича кузатишларда истиқболли Келажак 100 нави, андоза навга нисбатан битта ўсимликда шаклланган барглр сони бўйича 3 донга кам бўлган бўлса, барг узунлиги 2 см узун ва барг эни 0,3 см қисқа бўлиши билан фарқ қилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда асосий қимматли хўжалик белгилар дон ва яшил масса ҳосилдорлиги бўйича кузатувлар давом эттирилди. Бунда, истиқболли Келажак 100 нави ўртача 10,7 т/га дон ҳосилдорлигига эга бўлган бўлса, андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида 8,4 т/га дон ҳосили олинди ва янги навга нисбатан 2,3 т/га кам дон ҳосилини беради (3-жадвал).

**Дон учун истиқболли Келажак 100 навини ишлаб чиқариш шароитида  
морфобиологик белгилари ва қимматли хўжалик хусусиятларини андоза  
нав билан таққослаш**

№	Кўрсаткичлар	Келажак 100 нави				Андоза Уз 601 ЕСВ				Андоза навдан фарқи
		2019	2020	2021	Ўрта ча	2019	2020	2021	Ўрта ча	
1	Ўсув даври, кун	117	118	115	117	121	125	122	122	+5
2	Ўсимлик баландлиги, см	284	290	280	284	315	320	305	313	-29
3	Ўсимликда биринчи сўтани жойлашиш баландлиги, см	113	115	130	119,3	122	125	120	122,3	+3
4	Барглар сони, дона	19	18	17	18.0	18	17	19	18.3	0
5	Баргни узунлиги, см	93	95	92	93.3	89	94	91	91.3	+2
6	Барги эни ўлчамлари, см	10	11	10	10.3	11	10	11	10.6	-0,3
7	Дон ҳосилдорги, т/га	10.0	11.2	11.0	10,7	8,1	9,4	7,8	8,4	+2,3
8	Яшил масса ҳосилдорлиги, т/га	57	59	55	57	48	52	44	48	+9

Уч йиллик тажрибалар давомида лаборатория шароитида ўсимликдаги дон ҳосилини таъминлайдиган асосий белгилар сўта узунлиги, сўта узунлиги ва айланасида шаклланган 1 қатор донлар ва битта сўтадаги жами донлар сони, сўта вазни ҳамда 1000 та дон вазни бўйича таҳлиллар олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатдики, Келажак 100 навида сўта узунлиги 28 см бўлиб, андоза навга нисбатан 3 см узун бўлган бўлса, сўта эни 0,6 смга йирикрок бўлган. Сўта узунлигидаги бир қатор донлар сони Келажак 100 навида 49 та, андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида эса 43 та бўлиши кузатилиб, бу кўрсаткич бўйича андоза навга нисбатан 6 тага устун бўлди. Изланишлар давомида, битта сўта вазни бўйича истиқболли Келажак 100 навида 363,3 г бўлган бўлса, андозада 259 г бўлиб, Келажак 100 навида андоза нисбатан 104,3 г юқори бўлди. Тажрибаларда дон чиқиши ва 1000 та дон вазни бўйича изланишлар давом эттирилди. Дон чиқиши истиқболли Келажак 100 навида 80,0 %, андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида 78,0% бўлиб, янги навда бу кўрсаткичнинг 2% га юқори бўлиши аниқланди. 1000 та дон вазни Келажак 100 навида 328 г, андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида 306 г бўлиши кузатилиб, андозага нисбатан 1000 та дон вазни 22 г юқори бўлди (4-жадвал).

**Келажак 100 навини морфобиологик белгилари ва қимматли хўжалик хусусиятларини лаборатория шароитида андоза нав билан таққослаш (2019-2021 йй).**

№	Кўрсаткичлар	Дон етиштириш учун Келажак 100 нави				Андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ				Андоза навадан фарқи
		2019	2020	2021	Ўрт	2019	2020	2021	Ўрт	
1	Сўта узунлиги, см	28	29	27	28	23	27	25	25	+3
2	Сўта айланаси, см	5	5	4	4,6	4	4	4	4,0	+ 0,6
3	Сўтадаги 1 қатор донлар сони	44	52	50	49	43	45	42	43	+ 6
4	Сўта айланасидаги донлар сони	16	18	16	16	14	16	14	14	+2
5	Битта сўтадаги жами донлар сони	688	810	672	723	616	832	700	716	+7.3
6	Сўта оғирлиги, гр	360	390	340	363,3	253	288	236	259	+104,3
7	Дон чиқиши, %	80	80	79	80	77	82	75	78	+ 2
8	1000 та дон оғирлиги, гр	320	325	340	328	310	317	290	306	+ 22

Ишлаб чиқаришдаги тажрибалар Тошкент вилояти “Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги” илмий тажриба станциясида, Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани “Оқсув” ҳамда Сирдарё вилояти Ховос тумани “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА” фермер хўжаликларида 2019-2021 йиллар давомида маккажўхорининг дон учун Келажак 100 нави ишлаб чиқариш синовларига жалб қилинди. Маккажўхорининг Келажак 100 нави “Оқсув” фермер хўжалигида 8,0 га ва “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА” фермер хўжалигида 25,0 га майдонга экилди. Ишлаб чиқариш синовларидаги тадқиқотларда барча агротехник тадбирлар минерал ўғит, қатор орасига ишлов бериш ишлари ўз вақтида олиб борилди. Натижада, ўртача уч йил бўйича Келажак 100 навидан 9,63 т/га дон олиниб, андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайига нисбатан 2,3 ц/гача кўп дон ҳосили бериши қайд этилди.


**Диссертациянинг «Маккажўхори навларининг янги, истиқболли бирламчи уруғчилик тизимининг илмий асослари»** деб номланган олтинчи бобида Келажак100 ва Эсдалик 80 навларининг бирламчи уруғчилик тизимини такомиллаштириш ишлаб чиқариш шароитида ўрганилди. Бунда, маккажўхорида юқори сифатли уруғликлар тайёрлаш учун фойдаланилаётган амалдаги 5 йиллик тизимини 4 йиллик тизимга қискартириш туфайли республикамизда маккажўхори уруғлигига бўлган эҳтиёжнинг қисқа муддатларда қондириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди (5-расм).

2019-2021 йиллар давомида ишлаб чиқариш шароитида Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани “Оқсув” фермер хўжалиги ва Сирдарё вилояти Ховос тумани “ЭНЕРГО НАСЛ ЧОРВА МЧЖининг 5,0 га элита кўчатзорида

Келажак 100 нави 3,5 га (2+1,5), Эсдалик 80 нави 1,5 га (1+0,5) майдонларда 45-60 минг/га кўчат қалинлигида экилди. Уруғликни етиштириш агротехникаси ва тайёрлаш талаблари бўйича барча тадбирлар амалга оширилди ҳамда Келажак 100 навидан 10,5 тн., Эсдалик 80 навидан 4,5 тн. элита уруғлари етиштирилди ва ушбу уруғлик донни дон етиштириш учун жами 472-525 га, яшил масса (силос) етиштириш учун эса 202-225 га майдонга экиш мумкинлиги аниқланди.

### **I – ЙИЛ УРУҒЛИК ОИЛАЛАРНИ ТАНЛАШ КЎЧАТЗОРИ**

Ҳар бир тизмадан 100 тадан оила экилди. К -1 – 35 та ва  
К-2 – 20 та типик оилалар танлаб олинди




### **II – ЙИЛ БИРИНЧИ ЙИЛ ТАНЛАБ ОЛИНГАН ОИЛАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ДАСТЛАБКИ КЎПАЙТИРИШ КЎЧАТЗОРИ**

II – йил К -1 (Келажак-100) - 35 та ва К-2 (Эсдалик-80) - 20 та типик оилалари экилди ҳамда К -1– 12 та ва К-2 – 10 та типик оила танлаб олинди ва К-1 дан (45 кг ) ва К-2 (35 кг) уруғлик олинди



### **III – ЙИЛ СУПЕРЭЛИТА УРУҒЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ КЎЧАТЗОРИ**

Жами 3,0 га (Келажак-100 – 2,0 га, Эсдалик-80 – 1,0 га) суперэлита кўпайтириш майдонига экилди. Келажак-100 навидан – 4,4 тн. ва Эсдалик-80 навидан 2,1 тн. суперэлита уруғлиги жамғарилди




### **IV – ЙИЛ, ЭЛИТА УРУҒЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ КЎЧАТЗОРИ**

Жами 5,0 га (К -1 – 3,5 га) ва (К-2 – 1,5 га) суперэлита кўпайтириш майдонига экилди ва К-1 тизмасидан – 10,5 тн., К-2 тизмасидан 4,5 тн суперэлита уруғлиги жамғарилди

#### **5-расм. Маккажўхорининг такомиллаштирилган бирламчи уруғчилик тизими**

Диссертациянинг «Маккажўхори уруғларининг экинбоплик сифатларига биологик фаол препаратларнинг таъсири» деб номланган еттинчи бобида маккажўхорининг Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайи уруғи маҳаллий УЗХИТАН, Галактанан, Гуми 20, GB-1 (X) ҳамда GB -2(Ф) каби биологик фаол препаратлар билан 3 хил 14 л/т, 16 л/т ва 18 л/т сарф меъёрида ишлов берилиб, назоратга нисбатан лаборатория ва дала шароитида навдорлик ва экинбоплик сифатларига таъсири ўрганилган. Тадқиқотлар

натижасида, биологик фаол препаратлар билан уруғликка ишлов берилиши ўсимликларда ўсув қуввати, унувчанлиги, дон ва яшил масса ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши амалий жиҳатдан ўрганилиб, илмий асосланди (6-расм ва 5-жадвал).



6-расм. Лаборатория шароитида биологик фаол препаратларнинг маккажўхори уруғининг ўсув қуввати ва унувчанлигига таъсири

5-жадвал

Маккажўхорининг биологик фаол препаратларни Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайида дон ҳосили ва яшил масса шаклланишига таъсири (2019-2021 йй.).

№	Номи	Дон ҳосилдорлиги, (ц/га)				Яшил масса ҳосилдорлиги, (ц/га)			
		2019	2020	2021	Ўрт	2019	2020	2021	Ўрт
1	Назорат	54,9	53,9	55,4	54,7	410	433	422	421
2	Гуми 20 %	57,9	57,8	58,9	58,2	438	443	437	439
3	GB-1 (X)	63,5	65,3	65,8	64,9	469	475	479	472
4	УЗХИТАН	66,9	67,4	65,8	66,7	492	502	485	474
5	Галактанин	58,7	59,1	61,3	59,7	449	456	446	450
6	GB-2 (Ф)	61,8	62,6	62,7	62,3	432	434	433	433
ЭЖФ <sub>05</sub>		0,97	1,01	1,14		1,97	1,75	1,67	

Диссертациянинг «Маккажўхорининг янги яратилган истиқболли Келажак 100 ва Эсдалик 80 навларини етиштиришда иқтисодий самарадорлик» деб номланган саккизинчи бобида дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори бўлган маккажўхорининг янги, истиқболли нав ва дурагайларининг юқори сифатли уруғларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилинди. Истиқболли Келажак 100 нави товар дон учун етиштирилганда соф фойда 25,318888 млн.сўм/гани ташкил этиб, рентабеллик даражаси 154,6%, шунингдек, истиқболли Эсдалик 80 нави

яшил масса (силос) учун етиштирилганда соф фойда 16,955825 сўм/га, рентабеллик даражаси 108,9% бўлди (6-7 жадваллар).

6-жадвал

**Маккажўхори нав ва дурагайларини дон учун етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (1 га майдонда)**

№	Андоза Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайи	№	КЕЛАЖАК-100 нави
1	Карбамид (460 кг x 4600 сўм) – 2,116000	1	Карбамид (460 кг x 4600 сўм) – 2,116000
2	Фосфор (469 кг x 8000 сўм) – 3,752000	2	Фосфор (469 кг x 8000 сўм) – 3,752000
3	Калий (153 кг x 2500 сўм) – 382,500	3	Калий (153 кг x 2500 сўм) – 382,500
4	Органик ўғит (гўнг) 20 т x 300 сум – 6,000 000	4	Органик ўғит (гўнг) 20 т x 300 сум – 6,000 000
5	Дизел ёқилғиси (169,5 литр x 9500 сўм) – 1,610250	5	Дизел ёқилғиси (169,5 литр x 9500 сўм) – 1,610250
6	Уруғлик (25 кг x 15000 сўм) – 375 000	6	Уруғлик (25 кг x 15000 сўм) – 375 000
	<b>ЖАМИ – 14 235750</b>		<b>ЖАМИ – 14 235750</b>
	Кутилмаган харажатлар 15% (14 235750 x 15%) бу - 2,148 862 бўлди		Кутилмаган харажатлар 15% (14 235750 x 15%) бу - 2,148 862 бўлди
	<b>Жами харажатлар: 16,371,112 сўм</b>		<b>Жами харажатлар: 16,371,112 сўм</b>
<b>I</b>	8,4 тонна дон (1 кг 3500 сўм) - 29 400 000 сўм;	<b>I</b>	10,7 тонна дон (1 кг 3500 сўм) – 37 450 000 сўм;
<b>II</b>	23,4 тонна қуруқ масса (1 кг – 200 сўм) = 4 680 000 сўм;	<b>II</b>	21,2 тонна қуруқ масса (1 кг – 200 сўм) – 4 240 000 сўм;
<b>III</b>	34 080 000 сўм – 16 371 112 сўм = (СОФ ФОЙДА -17708 888 СЎМ) Рентабеллик - 108,2 %	<b>III</b>	41 690 000 сўм – 16 371 112 сўм = (СОФ ФОЙДА – 25 318 888 СЎМ) Рентабеллик - 154,6 %

Маълумки, барча ўсимликларнинг уруғлари сингари маккажўхорининг истиқболли, наводор уруғларини етиштириш ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ҳар йили сифатли уруғликларга бўладиган эҳтиёжни таъминлаш ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу сабабли, ишлаб чиқаришда дон ва яшил масса (силос учун) ҳосилдорлиги юқори бўлган маккажўхорининг янги, истиқболли нав ва дурагайларининг юқори сифатли уруғларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. Бунда, 1 га майдонга керак бўладиган ота-оналик шаклларининг 25 кг уруғлик нархи 20000 сўмдан жами 500000 сўм, уруғлик учун етиштиришда барча сарф-харажатлар 1 га майдон учун 16,686500 - 17,412 000 сўм/гани ташкил қилди. Маккажўхори ўсимлигини етиштириш жараёни якунида сифатли уруғликларни ўртача 1 кг 10000 минг сўмдан, яшил поясини 1 тн 300000 сўмдан силос учун яшил массага топширилди.

**Маккажўхори навларини яшил масса учун етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (1 га майдонда)**

№	Андоза Ўзбекистон 100	№	ЭСДАЛИК-80 нави
1	Карбамид (460 кг х 4600 сўм) – 2,116000	1	Карбамид (460 кг х 4600 сўм) – 2,116000
2	Фосфор (469 кг х 8000 сўм) – 3,752000	2	Фосфор (469 кг х 8000 сўм) – 3,752000
3	Калий (153 кг х 2500 сўм) – 382,500	3	Калий (153 кг х 2500 сўм) – 382,500
4	Органик ўғит (гўнг) 20 т х 300 сум – 6,000 000	4	Органик ўғит (гўнг) 20 т х 300 сум – 6,000 000
5	Дизел ёқилғиси (152,5 литр х 9500 сўм) – 1,448750	5	Дизел ёқилғиси (152,5 литр х 9500 сўм) – 1,448750
6	Уруғлик (30 кг х 15000 сўм) – 450000	6	Уруғлик (30 кг х 15000 сўм) – 450 000
	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР УЧУН – 14 149250</b>		<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР УЧУН – 14 149250</b>
	Кутилмаган харажатлар 10% (14 149 250 х 10%) бу - 1,414 925 бўлди		Кутилмаган харажатлар 10% (14 149 250 х 10%) бу - 1,414 925 бўлди
	<b>Жами харажатлар: 15, 564,175 сўм</b>		<b>Жами харажатлар: 15 564 175 сўм</b>
<b>I</b>	73,9 тонна силос масса 1 кг 400 сўм = 29 560 000 сўм;	<b>I</b>	81, 3 тонна силос масса 1 кг 400 сўм = 32 520 000 сўм;
<b>II</b>	29 560 000 сўм – 15 564 175 сўм = (СОФ ФОЙДА -13,995 825 сўм) Рентабеллик - 89,9 %	<b>II</b>	32 520 000 сўм – 15564175 сўм сўм = (СОФ ФОЙДА -16,955 825 сўм) Рентабеллик - 108,9 %

Натижада, истиқболли Келажак 100 навини 1 га майдонда уруғлик учун етиштирилганда сарф этилган харажат, олинган даромад ва соф фойда маблағлари андоза навига нисбатан ҳисоблаб чиқилганда, истиқболли Келажак 100 навида 31,313500-36,313500 млн.сўм/гани ва рентабеллик даражаси 187,4-217,4% бўлди.

